
Шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари томонидан Лашкар маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди

Жорий йил, 20 ноябр куни Қувасой шаҳар Лашкар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Т.Зиявитдиновнинг сайёр қабули ўтказилди. Мазкур сайёр қабулда ҳоким ўринбосарлари шаҳардаги тижорат банклари, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар, ижтимоий соҳа вакиллари ҳамда иқтисодий комплекс таркибидаги корхона ташкилот раҳбарлари билан биргаликда 20 нафар фуқаролар иштирок этди. Сайёр қабулда 20 нафардан ортиқ Лашкар МФЙ фуқаролари қатнашиб, шундан 5 нафари ўзини қизиқтирган ва қийнаб келатган савол ҳамда мурожаатлар билан иштирок этдилар. Қилинган мурожаатларнинг 4 таси ижобий ҳал этилди, 1 тасига қонуний тушунтиришлар берилди. Қабул жараёнида фуқароларни мурожаатларига ҳамда уларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган масала ва саволларга шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари ҳамда шаҳардаги тегишли бўлим, ташкилот раҳбарлари томонидан қонуний тушунтиришлар берилиб шу ўринда, аҳолининг ишсизлик, боқимандачилик кайфиятларига барҳам бериш борасида яшаб турган ховли-жойларида чорвачилик, парандачилик билан шуғулланиш, иссиқхоналар ташкил этиш, ўз томорқаларидан унумли фойдаланишлари юзасидан тавсиялар берилди.

2019-11-21 12:34:05